

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси Одил судлов
академияси Кенгаши раиси

Ш.Абдуқодиров

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Кенгаши
мажлисининг 6 сон
БАЁННОМАСИ

2025 йил 3 декабр

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Ш.Абдуқодиров ю.ф.д. - Одил судлов академияси ректори

Иштирок этдилар: Одил судлов академияси проректори в.в.б., DSc, профессор, Д.Арипов, ю.ф.д., профессор И.Насриев, ю.ф.д., профессор Б.Самарходжаев, У.Мингбаев, ю.ф.н., доцент С.Б.Холбаев, ю.ф.н., доцент Ш.Хақназаров, ю.ф.н., доцент в.в.б., Т.Обидов, ю.ф.ф.д (PhD), профессор Д.Исраилов, ю.ф.н., профессор Х.Азизов, Н.Жураев,
Онлайн тарзда (Зоом оркали): А.Жалилов, А.Усмонов, Ш.Полвонов.

Кенгаш котиби – ю.ф.ф.д (PhD), Ф.Мадиев.

КУН ТАРТИБИ:

1. Одил судлов академиясининг докторантура ва таянч докторантурасига танлаб олинган талабгорларни тасдиқлаш.
2. Мустақил изланувчиликка танлаб олинган талабгорларни қабул қилиш ва уларнинг мавзулари, илмий раҳбарларини тасдиқлаш.
3. Одил судлов академиясида судьяларнинг мажбурий малакасини ошириш курслари бўйича ўқув дастурларини тасдиқлаш.
4. Одил судлов академияси логотипи ва байроғи намунасини тасдиқлаш.
5. Одил судлов академияси ходимлари учун ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршайевага сўз берди.

К.Миршаева: Ассалому алайкум. Хурматли устозлар, хурматли Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси кенгаши аъзолари. 2025 йил 24 ноябр «ули

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун таянч докторантурага ҳужжат тақдим этган талабгорлар билан қабул комиссияси томонидан суҳбат ўтказилди. Суҳбат натижасида 6 нафар талабгор танловдан муваффақиятли ўтди. Талабгорлардан 4 нафари юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 2 нафари фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ҳужжат топширган. Талабгорлар 12.00.03 – “Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ” ихтисослиги, “12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил етиш. Адвокатура” ихтисослиги, 12.00.08 – “Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи” ихтисослиги, 12.00.15 – “Криминология (юридик фанлари)” ихтисослиги ва 12.00.04 – “Фуқаролик протсессуал ҳуқуқи” ихтисослиги юналишларини танлашган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304 сон қарорига 2 илова билан тасдиқланган “Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида”ги Низомнинг 25 банднинг биринчи хатбошисида “Қабул комиссияси таянч докторантурада таълим олувчиларнинг кириш имтиҳонлари натижаларини мажлис протоколи билан расмийлаштиради ва Коллегиал органга тасдиқлаш учун киритади. Стажёр-тадқиқотчилик ва докторантурада таълим олувчи талабгорлар бўйича ўтказилган суҳбат натижалари ҳам Коллегиал орган қарори билан тасдиқланади” деб белгиланган. Одил судлов академиясининг докторантура ва таянч докторантурасига танлаб олинган талабгорлар руйҳати Кенгаш аъзоларига танишиб чиқиш жунатилган. Шу жиҳатдан, таянч докторантурага қабул бўйича ўтказилган имтиҳон натижаларини тасдиқлаб беришларингизни сўрайман.

К.Миршаева ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Мажлис иштирокчиларида кўшимча таклиф ва мулоҳазалар бўлмади. Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан таянч докторантурага қабул бўйича ўтказилган имтиҳон натижаларини тасдиқлаб беришларини сўраб, очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Таянч докторантурага қабул бўйича ўтказилган имтиҳон натижалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаеванинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Таянч докторантурага қабул бўйича ўтказилган имтиҳон натижалари 1 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Раислик килувчи кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан сўзлаб, Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршайевага берди.

К.Миршайева: Хурматли Одил судлов академияси Кенгаши аъзолари, хурматли Раислик килувчи. 2025 йил 24 ноябр куни Одил судлов академиясига юридик фанлари бўйича фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка хужжат тақдим этган талабгорлар билан ўтказилган суҳбат натижасида танловдан муваффақиятли ўтган 13 нафар талабгорлар ҳақида маълумот бериб ўтди. Унга кўра, талабгорларнинг 11 нафари фалсафа доктори (PhD) ва 2 нафари фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун хужжат топширган. Йўналишлар бўйича 12.00.03 – “Фуқаролик ҳукуқи. Тадбиркорлик ҳукуқи. Оила ҳукуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ”, 12.00.08 – “Жиноят ҳукуқи. Жиноят -ижроя ҳукуқи”, 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳукуқи, 12.00.04 – Фуқаролик протсессуал ҳукуқи. Иқтисодий протсессуал ҳукуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиатсия. 12.00.09 – “Жиноят протсесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси” ихтисослиги бўйича талабгорлар суҳбатдан ўтишган.

К.Миршаева ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик килувчи К.Миршаеванинг ахбороти юзасидан кимда қандай тақлиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Кенгаш аъзоларида қўшимча фикр ва мулоҳазалар бўлмади.

Шундан сўнг, раислик килувчи Кенгаш аъзоларидан жорий йилнинг 24 ноябр куни ўтказилган суҳбат натижалари асосида мустақил изланувчиликка муносиб деб топилган 13 нафар номзодларни Одил судлов академиясига фалсафа ва фан доктори илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка қабул қилиш ҳамда уларнинг илмий раҳбарлари ва тадқиқот мавзуларини тасдиқлаш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаеванинг фалсафа ва фан доктори илмий даражасини олиш учун Одил судлов академиясига мустақил изланувчиликка хужжат тақдим этган талабгорлар билан суҳбат асосида ўтказилган танлов ҳамда танлов натижасида мустақил изланувчиликка муносиб деб топилган талабгорлар ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фалсафа ва фан доктори илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка қабул қилиш бўйича суҳбат асосида ўтказилган танловдан муваффақиятли ўтган талабгорлар 2 иловага мувофиқ Одил судлов академиясига мустақил изланувчиликка қабул қилинсин.

Раислик килувчи кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан сўзни ўқув-услубий бўлим бошлиғи И.Палвановга берди.

И.Палванов: Хурматли кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали

кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–141-сон Фармонининг 4 бобида асосан судья ва суд аппарати ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида малака оширишнинг янгила услубларини тадбиқ этиш вазиласи белгиланган.

Фармоннинг 7 бандига мувофиқ Академияда беш йил муддатга тайинланган судьялар — ҳар икки йилда икки ҳафтадан кам бўлмаган, ўн йил муддатга тайинланган судьялар — ҳар уч йилда икки ҳафтадан кам бўлмаган, шунингдек, муддатсиз даврга тайинланган судьялар — ҳар уч йилда бир ҳафтадан кам бўлмаган малака ошириш курсларида ўқитиш белгиланган. Ушбу Фармонда белгиланган вазиалардан келиб чиқиб, беш йил муддатга тайинланган судьялар, ўн йил муддатга тайинланган судьялар ҳамда муддатсиз даврга тайинланган судьялар малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ушбу ўқув дастурларини бугунги ййгилишимизда тасдиқлаб беришингизни сўраймиз.

И.Палванов ўз фикрларини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда кандай қўшимча таклиф ва мулоҳазалар борлигини, агар таклиф ва мулоҳазалар бўлмаса, Кенгаш аъзоларидан беш йил муддатга тайинланган судьялар, ўн йил муддатга тайинланган судьялар ҳамда муддатсиз даврга тайинланган судьялар малакасини ошириш курслари бўйича ўқув дастурларини тасдиқлаш таклифини киритди, очик овозга қўйди.

Тарафдорлар - 15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлила муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. И.Палвановнинг Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида судьяларнинг мажбурий малакасини ошириш курслари бўйича ўқув дастурлари юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида судьяларнинг мажбурий малакасини ошириш курслари бўйича ўқув дастурлари 3 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан сўз олиб, мажлис иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академияси расмий рамзлари бўлган байроғини тасдиқлаш муҳим масалалардан бири эканлигини қайд этиб, маъруза учун сўзни М.Шерматовга берди.

М.Шерматов: Ҳурматли кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одиал судлов соҳасида юкори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–141-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясининг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича йўл харитасининг 9 бандида Академия расмий рамзларини тасдиқлаш вазиласи белгиланган.

Хурматли кенгаш аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси логотипи – ташқаридан олтин рангдаги ўн икки қиррали юлдузсимон шаклда, расмийлик ва барқарорлик рамзига хос кўринишни беради.

Юлдузсимон шаклнинг ичида қора-кўк рангдаги айлана, унинг устига олтин рангда, катта лотин ёзувида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ODIL SUDLOV AKADEMIYASI” ёзилган, Академиянинг расмий номини ифодалайди.

Қора-кўк халқанинг ичидаги фон – оқ рангда. Фон устида асосий рамзлар жойлашган. Унда тўртта асосий белгилар мавжуд, ранги олтин.

Марказда учта вертикал устун тасвири – ҳуқук ва одилликни англатади. Устуннинг икки томонидаги тарози косалари – адолат ва тенглик рамзи. Устунлар остида очилган китоб расми – илм, ҳуқуқий билим ва академиянинг таълим даргоҳи эканлигини билдиради.

Марказий белгилар атрофида икки томондан лавр шохлари жойлашган. Лавр шохлари – шараф, нуфуз, обрў рамзи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг байроғи ўзида академия логотипини акс эттирган тўрт бурчак шаклдаги оқ рангли матодир.

Академия байроғи 2 хил ўлчамли кўринишда тайёрланади. Катта ўлчамдаги байроқ Академия фойеси, мажлислар зали, расмий тадбирлар ўтказиладиган хоналарга ўрнатилади. Кичик ўлчамдаги байроқ хизмат хоналари иш столи устига, халқаро ва республика тадбирлари иштирокчилари жойлашадиган столлар устига қўйилади.

Катта ўлчамдаги байроқ матосининг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Академия логотипи матонинг марказида жойлашган бўлиб, 45 – 55 фоиз қисмини эгаллайди. Логотипнинг пастки қисмида тўқ кўк рангда “ARIAL” 240 шрифтида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ODIL SUDLOV AKADEMIYASI” ёзуви жойлаштирилади.

Кичик ўлчамдаги байроқ матосининг узунлиги 22 сантиметрга, кенглиги 15 сантиметрга тенг. Академия логотипи матонинг марказида жойлашган бўлиб, 45 – 55 фоиз қисмини эгаллайди. Логотипнинг пастки қисмида тўқ кўк рангда “ARIAL” 28 шрифтида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ODIL SUDLOV AKADEMIYASI” ёзуви жойлаштирилади.

М.Шерматов ўз фикрларини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Кенгаш аъзоларида кўшимча таклиф ва мулоҳазалар бўлмади.

Раислик қилувчи логотип ва байроқни тасдиқлаш юзасидан овоз беришларини сўради.

Тарафдорлар – 15 нафар, қаршилар ва бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги масала юзасидан Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Магистратура факултети бош мутахассиси М.Шерматовнинг Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси байроғи ва логотипи юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси байроғи ва логотипи 3 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **бешинчи масала** юзасидан сўз олиб, мажлис иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ходимлари учун ички меҳнат тартиби қоидалари тасдиқлаш муҳим масалалардан бири эканлигини қайд этиб, маъруза учун сўзни К.Ганибаевга берди.

К.Ганибаев: Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Устави асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Академияда меҳнат, илмий фаолият ва ўқув жараёнига оид бўлган ички тартиби қоидаларини тартибга соладиган локал норматив ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур ички тартиби қоидалар мақсад: Академия ходимлари ўртасида бирдамлик, ҳамфикрлик, соҳлом касбий, ахлоқий ва маънавий-психологик муҳитни шакллантириш; ходимларда ички тартиби қоидаларга риоя қилиш ва муомала маданиятини ривожлантириш, уларни Академиянинг кадриятларига ҳурмат ҳиссида бўлишини таъминлаш; бошқарув хордимларининг профессор-ўқитувчилар, техник, хизмат кўрсатувчи ҳамда ўқув-ёрдамчи ходимларга нисбатан хушмуомала бўлишини ва уларни обрўсизлантирувчи сўзларни ишлатишдан тийилишни таъминлаш; Академиянинг нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраш; одоб-ахлоқ кадриятларини ривожлантириш, ташқи кўриниш ва хулқ-атворга бўлган талабларга оид ягона ёндашувни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

К.Ганибаев ўз фикрларини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Кенгаш аъзоларида кўшимча таклиф ва мулоҳазалар бўлмади.

Раислик қилувчи логотип ва байроқни тасдиқлаш юзасидан овоз беришларини сўради.

Тарафдорлар – 15 нафар, қаршиилар ва бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги масала юзасидан Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Кадрлар бўлими бош мутахассиси К.Ганибаевнинг Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ходимлари учун ички меҳнат тартиби қоидалари юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ходимлари учун ички меҳнат тартиби қоидалари 4 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кенгаш котиби:



Ф.Мадиев